Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 8 ИЮЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 136 (13.199)

Баҳоси эркин нархда

MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мамлакатимизда мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган қарийб 1,5 минг корхона фаолият юритмоқда. Хусусан, "Viva Deluxe", "Шарқ мебель", "Ҳувайдо", "Garant mebel", "Кенг макон" каби корхоналарнинг бежирим ва сифатли мебеллари нозик дидли мижозларни ҳам бефарқ қолдирмайди.



Оқил Ғуломов олган суратлар

ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН



Корхоналар таклиф қилаётган кенг турдаги юқори сифатли, бежирим ва кўркам мебеллар халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини тобора юксалтириб, хонадонларимизга кўрк бахш этмоқда.

Пойтахтимиздаги "Эл эъзоз" масъулияти чекланган жамиятида қарағай, ёнғоқ ва чинор ёғочларидан меҳмонхона, ётоқхона, офис мебеллари, стол-стуллар ва бошқа турдаги жиҳозлар тайёрланмоқда. Харидорлар бу маҳсулотларни ўз диди ва талабига кўра харид қилиши ёки дизайнерлар тайёрлаган комплектларни танлаши мумкин.

Кейинги йилларда корхонага Италия технологиялари ва дастгоҳлари, Хитойдан келтирилган ёғочга ишлов берувчи лазерли ўймакорлик жиҳозлари ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, тайёрланаётган маҳсулотлар сифати янада яхшиланди. Маҳсулотлар 2003 йилдан буён экспортга чиқарилмоқда. "Нафис", "Парламент", "Октава", "София", "Лола" каби ўриндиқлар қулайлиги, замонавийлиги ва дизайни билан хорижлик мижозларга ҳам манзур бўлаётир.

Кейинги икки йилда касб-ҳунар коллежларини битирган йигирмага яқин ёшлар корхонага ишга олинди. Ўқувчилар коллежда олган назарий билимларини амалиёт билан умумлаштириб, тажрибали мутахассислардан касб сирларини ўрганишга ҳаракат қилмоқда.

– Корхонамизда замонавий технологиялар ёрдамида деталларни йиғиш ва ёғочга ишлов бериш жараёнига масъулият ва аниқлик билан ёндашилади, – дейди ЎзА мухбирига ёғочга ишлов бериш цехи ишчиси Олим Азимов. – Маҳсулот тайёрлаш жараёнининг барча босқичи ёнғин ва техника хавфсизлиги меъёрларига риоя қилинган ҳамда сифати синчковлик билан текширилган ҳолда бажарилади.

Корхона 2009 йилда "Ташаббус" кўрик-танловининг мамлакат босқичида "Энг яхши экспорт қилувчи корхона" номинациясига сазовор бўлган. Жорий йилнинг март ойида ўтказилган "MebelExpo Uzbekistan" мебель ва ёғочга ишлов бериш бўйича ихтисослашган халқаро кўргазмасида "Йилнинг энг яхши мебель ишлаб чиқарувчи корхонаси" деб топилди.

– Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони биз, тадбиркорлар учун айни муддао бўлди, – дейди корхона директори ўринбосари О.Исроилов. – Унда хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган мазкур корхона жамоаси айни пайтда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли эҳтиёжларига мос ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлида изланишлар олиб бормоқда.

Нурилло НАСРИЕВ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ, 2016 йил 12 июль куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн бешинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари якунлари тўғрисида;

— "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Тошкент шаҳрида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган ҳудудий чора-тадбирлар дастурининг ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида;

— Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2015 йилдаги ижроси тўғрисида;

— Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2016 йил биринчи чорак ижроси тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг Тошкент шаҳридаги ижроси тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" тўғрисидаги қарорининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида;

— "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида Тошкент шаҳрида олиб борилаётган ишлар тўғрисида;

— "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг устувор вазифалари ва 2016 йилнинг 1-ярим йиллигида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида;

— халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолияти тўғрисида;

— "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан Олмазор тумани ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи тўғрисида;

— Тошкент шаҳрида 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида;

— Тошкент шаҳридаги маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш ва бошқа масалалар.

КОРПОРАТИВ ТИЗИМДА ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИНГ ЎРНИ

Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида "Катта экспертлар хизмати – корпоратив бошқарувни қўллаб-қувватлашда" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари, компаниялар, корхоналар раҳбар ва вакиллари, экспертлар иштирок этди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С.Ғаффоров, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази директори Б.Ғанихўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити яхшиланиб, бизнесни бошқаришнинг замонавий усуллари амалиётга кенг жорий этилаётгани, хусусий секторни изчил ривожлантириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларига хорижий сармоядорларни жалб қилиш, уларнинг корпоратив бошқарув тизими, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ва ташқи бозорга чиқариш жараёнларида фаол иштирок этиши учун қулай шароит яратиш, акциядорлик жамиятлари устав капиталидаги давлат активлари ва улушларини қисқартириш орқали давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни юқори босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистонда замонавий корпоратив бошқарув тизими талабларини инобатга олган ҳолда лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу раҳбарлик лавозимларига пухта билимга эга бўлган, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини амалда қўллай оладиган ёш мутахассислар тайинланишига замин яратмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлди.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР

Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, элчихоналар ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Академия ректори М.Алиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларни модернизация қилишга қаратилган изчил ислоҳотлар жараёнида давлат бошқаруви соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бу борада таянч таълим муассасасидир. Ушбу даргоҳда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодиётни бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишга қодир етук кадрлар тайёрланмоқда. Академияда таълим халқаро таълим стандартларига мувофиқ, замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида олиб борилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2014 йили академия биноси замонавий меъморлик ва технология талабларига мувофиқ реконструкция қилинди. Аудиториялар, конференция заллари барча зарур замонавий ускуналар, ахборот-коммуникация, телекоммуникация воситалари ва технологиялари билан жиҳозланди. Ахборот-ресурс маркази давлат ва жамият бошқаруви масалаларига бағишланган ўқув, илмий ва методик адабиётлар билан таъминланди. Ўқув биноси ва ётоқхона қулай мебель, ўқув қуроллари, компьютерлар билан жиҳозланди, интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгайтирилди.

Академияга олий маълумотли, давлат ва жамият бошқаруви тизимида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга номзодлар танлов асосида қабул қилинмоқда.

– Ўқув даргоҳимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Сингапур каби қатор давлатларнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, БМТ, ОТБ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган, – дейди академия ўқитувчиси Моҳира Эшонова. – Ўқитувчилар, ходимлар ва тингловчиларнинг ҳам назарий билимини, ҳам амалий кўникмасини такомиллаштириш мақсадида улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, олий таълим ва илмий муассасаларга, жумладан, хорижий мамлакатларнинг илмий муассасаларига амалиёт ўташга юборилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 20 августдаги фармони асосида академияда таълим сифати тубдан яхшиланди, ўқув-техник база янада такомиллаштирилди. Давлат бошқаруви мутахассислигининг "Иқтисодий соҳа менежменти", "Ижтимоий соҳа менежменти" ва "Ҳудудлар менежменти" ихтисосликлари бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Академияни бу йил мазкур йўналишлар бўйича 82 нафар тингловчи тамомлади.

– Икки йиллик таҳсил давомида давлат тузилиши ва бошқаруви, фуқаролик жамияти асослари, ўзини ўзи бошқаришнинг шакл ва усуллари, менежмент назарияси ва амалиёти, бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари ва "электрон ҳукумат" тизимидан фойдаланиш, бошқарув социологияси ва психологияси бўйича билимимизни бойитдик, – дейди ЎзА мухбирига академия битирувчиси Шаҳобиддин Мусаев. – Ўқиш давомида Жанубий Корея ривожлантириш институтида бўлиб, халқаро тажриба ўргандим, малака оширдим. Академияда инглиз тилини пухта ўргандим. Магистрлик диссертациямни ҳам инглиз тилида ёзиб, ҳимоя қилдим. Биз, ёшларга доимий эътибори ва ғамхўрлиги, юксак ишончи учун Президентимиздан миннатдормиз. Келажакда Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиб, бу ишончни оқлаш учун бор билим ва тажрибамизни ишга соламиз.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Дилшод КАРИМОВ

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар билдирилган.

● Бухорода "Авлодлар довони: Ким эдигу, ким бўлдик" мавзуида ёшлар билан мулоқот бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида "Истиқлолнинг янги авлоди: Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз" шиори остида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, олимлар ва ёшлар иштирок этди.

● Нукусда "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" II ёш тадбиркорлар бизнес форумининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди.

● Андижонда "Ишбилармон аёл – 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда 16 нафар иштирокчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари яратиш, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш, партия тадбирларида фаол иштирок этиш каби талаблар бўйича билим ва маҳоратини намойиш этди.

● Гулистонда "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

● Наманганда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни диверсификациялашда давлат ва хусусий секторнинг ижтимоий шериклиги ҳамда кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда экспортчи корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан энг кўп жабрланган Греция жорий йилда мамлакат иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш учун 9 миллиард еврога яқин маблағ йўналтирилишини маълум қилди.

● Япониянинг "Sharp" компанияси ўтган йили тақдимоти ўтказилган ўта замонавий робот-смартфонни савдога чиқармоқда. Ушбу кичик электрон қурилма тонгда ўз эгасини уйқудан уйғотиш, почта ва ахборотларни текшириш, рақсга тушиш ва бошқа функцияларни бажариш имкониятига эга.

● Забайкальеда яна ўрмон ёнғинлари авжига чиқди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида докторлик таълими сифатини оширишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон ва Европа иттифоқининг "Темпус" дастури доирасидаги UZDOC лойиҳаси асосида ташкил этилган тадбирда юртимиздаги кўплаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда Италия, Испания, Греция, Хорватия, Словакия давлатларининг нуфузли университетлари мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев, Европа иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари Ю.Штерк ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури малакали кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожини янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Темпус" ва "Эразмус Мундус" халқаро таълим дастурлари доирасида профессор-ўқитувчиларнинг касб тайёргарлигини ошириш, олий таълимда бошқарув маҳоратини ривожлантириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Конференцияда юқори малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш йўллари, замонавий таълим технологияларининг таълим сифатини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти, битирувчиларни иш билан таъминлаш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди. Олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

А.ҚИЁСОВА

КОРПОРАТИВ ТИЗИМДА ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИНГ ЎРНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида Корпоратив бошқарув кодекси тасдиқланди, 244 акциядорлик жамияти томонидан замонавий корпоратив бошқарув талабларига мувофиқ уставлар ва бошқа ички корпоратив ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 600 дан зиёд акциядорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Уларга 90 га яқин хорижий менежерлар жалб этилган. Бу борада, айниқса, "GM-Uzbekistan", "UzBAT", "Аммофос Максам" сингари қўшма корхоналарда катта тажриба тўпланган.

Тадбирда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув усулларини жорий этишда ривожланган давлатлар, хусусан, Германия тажрибаси кенг ўрганилаётгани, етакчи хорижий компаниялар, мутахассислар ҳамда экспертлар иштирокида корпоратив бошқарувнинг ташкилий шакллари ва замонавий услубларини жорий қилишни методик таъминлаш, акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимларини халқаро стандартлар даражасида тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Германиянинг етакчи компаниялари ташаббуси билан асос солинган Европа менежмент ва технологиялар мактаби билан ҳамкорлик бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

2015 йили мазкур мактаб билан фаол ҳамкорлик самарасида ташкил этилган Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази тингловчилари хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ва тадбиркорлик субъектлари, хорижий компания ва таълим муассасаларига малака оширишга юборилмоқда. Ушбу марказ акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усулларини кенг жорий этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишда соҳа мутахассисларининг малака ва маҳоратини юксалтириш, бу борада халқаро амалиётни ўрганиш ва татбиқ этиш, ўзаро тажриба алмашиш, профессионал бошқарувчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимидаги тамойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестиция жараёнларига корпоратив менежментнинг замонавий стандартларини жорий этиш борасида юксак самарали ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини изчил жорий этиш, хусусийлаштиришни жадаллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, жамият фаолиятини рағбатлантириш, иш жараёнининг очиқлигини таъминлаш соҳа ривожининг асоси экани таъкидланди.

Анжуманда мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари раҳбарлари Германиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича иқтисодий жамғармаси – Катта экспертлар хизмати (SES) фаолияти билан таништирилди. 1983 йилда ташкил топган мазкур жамғарма маълумотлар базасида ўн мингдан ортиқ катта экспертлар рўйхатдан ўтган. Иқтисодиётнинг элликдан ортиқ соҳасида иш юритувчи бу мутахассислар томонидан шу кунгача дунёнинг 160 мамлакатида 25 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилган.

– Ўзбекистонда ўз фаолиятини 1993 йилдан буён юритаётган ташкилотимиз иқтисодиётнинг турли соҳаларида иш юритувчи акциядорлик жамиятлари, йирик компаниялар раҳбар ва мутахассисларининг малакасини ошириш, замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш, янги тизимларни лойиҳалаштириш, ишни тўғри ташкил этиш каби қатор масалалар борасида кўмак кўрсатиш, бу борада ўқув курсларини ташкил этиш билан шуғулланади, – деди Ўзбекистон мухбирига SES жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вакили Карина Айвазова. – Шу кунгача Ўзбекистонда 545 шундай лойиҳа амалга оширилди. Бу каби тадбирлар корпоратив бошқарув соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, мутахассислар малакасини ошириш, ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбирда SES жамғармаси билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Нодира МАНЗУРОВА

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Мустақиллигимиз абадий бўлсин!" мавзуида давра суҳбати ташкил этди.

ФАОЛЛАР ФИКР АЛМАШДИ

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, актёрлар, шоир ва ёзувчилар, ёшлар иштирок этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Р.Комилов, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳ.Бобохонов, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Ж.Исмоилова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Партия томонидан ёшлар орасида "Ватанимнинг гуллаб-яшнаши учун мен нима қилдим?", "Мен мамлакатимда тинчликни таъминлайман", "Тинчлик ва хавфсизлик учун бирга курашамиз" шиори остида акциялар, "Мустақиллик – юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, халқимиз бахту саодатининг кафолатидир" мавзуида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Давра суҳбатида ушбу тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказиш, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Миллий матбуот марказида "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматлар ҳамда ишлаб чиқилган янги суғурта маҳсулотлари мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЯНГИ СУҒУРТА МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Таъкидландики, суғурта компанияси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида янги суғурта бўлинмаларини очиш ва республика ҳудудларида фаолият кўламини кенгайтириш борасида доимий иш олиб борилмоқда.

Айтиш ўринлики, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада суғурта ҳимояси муҳим аҳамиятга эга. Компания томонидан тадбиркорлар учун "Тадбиркорлар қалтисликларини комплекс суғурталаш", "Тадбиркор", "Гаровга қўйилаётган мол-мулк суғуртаси", "Баҳоловчиларнинг касбий жавобгарлиги суғуртаси", "Товар ишлаб чиқарувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги", "Мол-мулк ва фойданинг йўқотилишидан суғурталаш", "Юк суғуртаси" каби суғурта маҳсулотлари таклиф этиб келинмоқда.

"Ўзбекинвест" компанияси бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштириб, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижросини тезкор таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш борасида иш олиб бораётганлиги матбуот анжуманида алоҳида эътироф этилди.

Хусусан, янги таҳрирдаги қабул қилинган "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ҳамда республикамизда дори воситаларини ишлаб чиқувчи корхоналар сонининг ошиб бораётганини инобатга олиб, аҳолини сифатли, хавфсиз дори воситалари, дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун хизмат қилувчи "Фармакологик ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотини ўтказишда беморнинг ҳаётига, соғлигига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш" номли суғурта маҳсулоти ишлаб чиқилганлиги маълум қилинди.

Ушбу суғурта бўйича фармакологик ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотини ўтказиш даврида кўнгилли беморнинг ҳаёти ёки соғлигига зарар етганда суғурталанган шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келганда суғурта компанияси томонидан суғурта қопламаси тўлаб берилади.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Божхона Кодекси"да божхона брокерлари фаолиятини ташкил этиш учун божхона тўловларини таъминлаш йўллари белгиланиб, улардан бири сифатида божхона брокерларининг божхона тўловларини тўлаш мажбурияти бўйича суғурталаш мумкинлиги кўрсатилган.

Тадбирда маълумот берилишича, 2016 йил иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича компанияда тизимли ишлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида Инвестиция дастурига киритилган 46 та лойиҳага умумий қиймати 15 трлн. сўмлик суғурта ҳимояси тақдим этилди.

Матбуот анжуманида компания мутахассислари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Қ.ЗОКИРОВ

Реклама ўрнида

O'ZSANOATQURILISHBANK

БАНК САРМОЯЛАРИ ТАДБИРКОРЛАРГА

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенгрок эътибор берилаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожида муҳим омил бўлмоқда.

Бу ислоҳотлар самарасини Ангрен шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳукуматимиз томонидан "Ангрен махсус индустриал зонаси" ташкил этилгандан сўнг, тадбиркорлик субъектлари сезиларли даражада кўпайди.

Албатта, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ўрни беқиёс. Биргина, "Ўзсаноатқурилишбанк" Ангрен филиалининг фаолияти асосида фикримизни давом эттирадиган бўлсак, банк жамоаси томонидан жорий йилнинг ўзида касб-ҳунар коллежи битирувчиларига жами 804 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиб, бунинг натижасида 11 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

— Корхонамиз томонидан паррандачилик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида "Ўзсаноатқурилишбанк" Ангрен филиалининг 220 млн. сўмлик кредити асосида ишлаб чиқариш қувватини йиллик 360 млн. сўмга етказдик, — дейди "Ангрен асл парранда" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ю.Юлдошева.

Яна бир мисол."Нозимахон-Нур" масъулияти чекланган жамияти банкнинг мазкур филиалидан 1 миллиард 200 млн сўмлик кредит олиб, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга туширди. Натижада 20 та янги иш ўрни пайдо бўлди.

"Фарангиз Шоҳжаҳон Барака" МЧЖ ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк" Ангрен филиалининг мижозларидан ҳисобланади. Яқинда корхона 150,0 млн. сўм кредит эвазига маиший хизмат кўрсатиш ва дам олиш мажмуасини қуриб фойдаланишга топширгани туфайли 10 киши иш билан таъминланди.

Корхона Ангрен шаҳрида бўлаётган ўзгаришлар, сайёҳлар оқимининг кўпайишини ҳисобга олиб, фаолиятини янада кенгайтириш режасини ишлаб чиқди ва банкдан 270 млн. сўм кредит олиш учун ҳужжатлар расмийлаштирмоқда.

Ўйлаймизки, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Ангрен филиали бундан кейин ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни имкон қадар молиявий қўллаб-қувватлаб, уларнинг иш унумдорлигини оширишда ва ҳар томонлама ривожланишида ўз ҳиссасини қўшиб келаверади.

З.ШАРИФЖОНОВ

Хизматлар лицензияланган



Мақсад Ҳабибуллаев олган сурат

ОРОМГОҲДА БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 274-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган "Юлдузча" номли болалар ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида "Баркамол авлод — кўп миллатли Ўзбекистон келажаги" мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, пойтахтимиздаги маданият марказлари, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Маънавият ва маърифат Кенгаши, маънавият тарғибот маркази вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Ўқувчи-ёшларнинг онгу шуури, тафаккурини юксалтириш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук қилиб тарбиялаш узлуксиз жараён бўлиб, ёзги таътил мавсумида оромгоҳимизга қамраб олинадиган жами 560 нафар ўқувчи учун олиб бориладиган 16 номдаги тўгарак машғулотларининг асосий мазмун-моҳиятига ана шу мақсад сингдирилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Гулнора Ибрагимова. — Бу борада ҳафтада икки маротаба ташкил этилаётган "Бувижонлар ўгити" тўгараги алоҳида эътиборга молик. Болажонлар спорт мусобақаларида иштирок этишдан ташқари "Оқтепа" маҳалласининг оқила бувижонларидан тарбиявий аҳамиятга эга қизиқарли сабоқлар олмоқда. "Аждодлар изидан", "Хушхат", "Жажжи мусаввир", "Ёш математиклар", "Ёш китобхон", "Инглиз тили", "Ёш табиатшунослар", "Рақс" сингари тўгараклар ҳам доим ўқувчилар билан гавжум.

Тадбирда намойиш этилган оромгоҳ тарбияланувчиларининг она Ватан, дўстлик, бағрикенгликни таранним этувчи бадиий чиқишлари, маданият марказларининг концерт дастурлари барчага манзур бўлди. Бу эса ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мухлиса ҚОСИМОВА

ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ ХИТОЙДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Хитойнинг Пекин, Шанхай ва Сиань шаҳарларида "Ўзбек киноси кунлари" фестивали ўтказилмоқда. Тадбир "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Хитой Халқ Республикаси матбуот, нашриёт, радиоэшиттириш, кинематография ва телевидение ишлари бўйича Давлат бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикасининг Хитойдаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори Отабек Мусаев, Хитой Халқ Республикаси матбуот, нашриёт, радиоэшиттириш, кинематография ва телевидение ишлари бўйича Давлат бош бошқармаси раҳбари Чжан Хунсэн, "China Film Promotion" компанияси раҳбари Жияо Ванг Фен ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат раҳбарлари учрашувлари чоғида эришилган келишувлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, 2015 йилнинг 2-3 сентябрь кунлари Президентимиз Ислом Каримовнинг Хитойга ташрифи, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг жорий йил 21-22 июнь кунлари мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни мазмунан бойитиш, жумладан, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий кинематографияни ривожлантириш, фильмларнинг бадиий савияси, ижтимоий-маънавий аҳамияти, айниқса, ёш авлод тарбиясидаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Киноижодкорларни ҳар томонлама рағбатлантириш, эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, студияларнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартдаги "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим омил бўлаётир.

Истиқлол йиллари миллий кинематографиямиз ривожида янги даврни бошлаб берди. Соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилиб, эркин ижод қилиш, халқимиз ҳаёти ва мамлакатимиз тараққиётини намоён этиш имконияти кенгайди. Киностудиялар сони ва фильмлар савияси ошди. Соҳада кўплаб хорижий мамлакатлар, хусусан, хитойлик соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда кўплаб қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, ўзаро тажриба алмашиш фаол йўлга қўйилган.

Маданият ва санъат ҳамиша халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Хитойда ўзбекистонлик ижодкорлар кўргазмалари, кино фестиваллари, концертлари санъат ихлосмандлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинаётгани, Ўзбекистонда Хитой киноси кунлари, мазкур мамлакат мусаввирлари ижодига бағишланган бадиий кўргазмалар, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётгани икки мамлакат ҳамкорлигини янада мустаҳкамламоқда.

Хитойда ўтаётган Ўзбек киноси кунлари Ўзбекистон ва Хитой халқлари кўп асрлик дўстлик ришталарининг яна бир ёрқин ифодасидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ушбу муносабатлар мазмунан бойиди ва мунтазам равишда мустаҳкамланиб бормоқда.

"Ўзбек киноси кунлари" фестивалида хитойлик томошабинлар эътиборига ўзбек кинематографиясининг ўзига хослиги акс эттирилган энг яхши фильмлар ҳавола этилмоқда. Тадбирни режиссёр Ёлқин Тўйчиев томонидан суратга олинган "Ҳаётда..." фильми бошлаб берди.

Шунингдек, фестиваль дастуридан мамлакатимиз киноижодкорлари томонидан яратилган "Қудуқ", "Виждон", "Ота", "Тубанлик", "Сеҳрли қалпоқча" каби бадиий фильмлар ўрин олган. Мазкур кинокартиналарда Ўзбекистон замонавий кино санъатининг бой анъаналари, мамлакатимиз ва жаҳон кинематографиясининг илғор услублари, халқимизга хос юксак маънавият мужассам. Улар орқали хитойлик кино санъати мухлислари ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, менталитети билан танишади. Ушбу фильмлар инсонда Ватанга муҳаббат, тинчлик-осойишталикни қадрлаш, эзгулик, бағрикенглик каби энг эзгу фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади.

– Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлиги барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади, – дейди Чжан Хунсэн. – Мамлакатингизда санъатнинг барча турлари сингари кино соҳаси ҳам изчил тараққий этмоқда. Бугун ўзбек кинофильмлари жаҳонда ҳам тобора оммалашиб бораётир. Мазкур фестиваль хитойликларни ўзбек кинематографияси билан таништириш баробарида, Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасида маданий алоқаларни, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фестиваль доирасида кинематография йўналишидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликда кинофильмлар яратиш, кинематография объектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича Хитойнинг соҳага оид қатор вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказилмоқда.

(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Юнусобод туманидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида таълим муассасаларидаги ошхоналарни ижарага бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги **“Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги** 132-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини янада яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналарнинг таълим муассасаларига хизмат кўрсатиш бўйича тендер-танловларида иштирок этиш юзасидан аризалари **2016 йилнинг 10 июнидан 2016 йил 10 июль куни соат 18-00 га** қадар Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, ҳужжатлар талабгорлар томонидан муҳрланган конвертларда танлов комиссиясига тақдим этилади:

умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

махсус, моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

Талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танловга оид қўшимча маълумотлар учун манзил:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, телефон: 252-77-81, 252-23-17

Юнусобод туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили	Телефон рақами
1	Тошкент телекоммуникация технологиялари касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 9-уй	222-87-90
2	Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, А.Дониш кўчаси, 28-уй	224-79-52
3	Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, Марказ 5, 88-уй	237-65-43
4	Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, Исломобод 1-тор кўчаси, 21-а уй	221-33-44
5	Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, 14-квартал	223-58-53
6	Тошкент иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, 19-мавзе, 37-уй	220-03-68
7	Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод шарқшунослик академик лицейи	Юнусобод тумани, 7-мавзе	224-15-51
8	Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Юнусобод академик лицейи	Юнусобод тумани, Халқаобод 2-тор кўчаси, 4-уй	235-87-54
9	Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи	Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй	260-28-16
10	Тошкент молия институти қошидаги молия академик лицейи	Юнусобод тумани, Зарбулоқ кўчаси, 14-уй	289-00-63
11	Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сон академик лицейи	Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 112-уй	235-03-69
12	Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейи	Юнусобод тумани, 3-мавзе, 7-уй	221-61-33

Шайхонтоҳур туманидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида таълим муассасаларидаги ошхоналарни ижарага бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги **“Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 132-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини янада яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналарнинг таълим муассасаларига хизмат кўрсатиш бўйича тендер-танловларида иштирок этиш юзасидан аризалари **2016 йилнинг 10 июнидан 2016 йил 10 июль куни соат 18-00 га** қадар Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, ҳужжатлар талабгорлар томонидан муҳрланган конвертларда танлов комиссиясига тақдим этилади:

умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

махсус, моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

Талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танловга оид қўшимча маълумотлар учун манзил:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, телефон: 252-77-81, 252-23-17

Шайхонтоҳур туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили	Телефон рақами
1	Тошкент гидрометеорология касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, З.Кобулов кўчаси, 45-уй	241-40-13
2	Тошкент матбаа-ноширлик касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Ҳамид Раҳматуллаев кўчаси, 3-уй	244-60-50
3	Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 10 уй	218-59-93
4	Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарбоза кўчаси, 60-уй	273-64-60
5	Шайхонтоҳур саноат касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Авиасозлар тор кўчаси, 10-уй	241-57-44
6	Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, У.Юсупов кўчаси, 70-уй	244-11-55
7	Республика рассомлик коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 6-уй	245-05-56
8	Ўқув даволаш комплекси тиббиёт коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофутдинов кўчаси,10-уй	243-11-47
9	2-Республика тиббиёт коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Турк қўрғон кўчаси, 9-уй	226-70-66
10	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи	Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 242-уй	244-84-19
